Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 135 (7525). ● 15 июль, 1981 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1981 йилнинг биринчи ярмида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Республика кўчма Қизил байроғи **Хоразм областида** қолдирилди.

Республика кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах областига;

Сурхондарё областига;

Тошкент областига (область партия комитети секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Алимов, область касаба союзлари Советининг раиси ўртоқ Браилов, область комсомол комитети секретари ўртоқ Маҳмудов). Бу область чорва туёғини ва паррандани кўпайтиришни таъминлаган; гўшт тайёрлаш квартал планини 130 процент, сут ва тухум тайёрлаш планини 109 процент, жун тайёрлаш планини 124 процент бажарган. Бу бултургидан анча кўпдир.

Шунингдек байроқлар Қашқадарё областининг Усмон Юсупов районига, Самарқанд областининг Оқдарё районига, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районига, Фарғона областининг Ленинград районига, Бухоро областининг Вобкент районига, Наманган областининг Косонсой районига ҳам берилди.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛСИН

14 июль куни Тошкентда республика партия хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда область партия комитетларининг секретарлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, область партия комитетлари қурилиш бўлимларининг мудирлари, министрликлар ва идораларнинг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, қурилиш ва монтаж трестларининг бошқарувчилари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди.

Йиғилишда республика қурувчиларининг 1981 йилнинг биринчи ярмидаги иш якунлари ҳамда министрликлар ва идораларнинг ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмалари асосида социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасидаги вазифалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Умаров, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, республика қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, «Ўзбекшахтострой» трестининг бригадири Д. А. Зазулин, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Ўзбекистон монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шоғазатов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Н. Х. Жўрабеков, республика бинокорлик материаллари саноати министри М. Д. Мухортов, «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармаси бригадири У. Полвонниёзов, «Ўзколхозстрой» раиси Э. Ашуров, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раиси Н. Г. Қурбонов, Бухородаги 20-қурилиш трестининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Н. Ҳабибов иштирок этдилар.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон қурувчилари ва монтажчилари маблағларни ўзлаштириш жиҳатидан ҳам, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари жиҳатидан ҳам биринчи ярим йиллик планни бажардилар. 1 миллард 278 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 1,3 миллион квадрат метрга яқин ҳажмда уй-жой қурилди, 40 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди.

Аммо бир қанча областлар, шаҳарлар ва районларда йирик корхоналар ва ишлаб чиқаришлар, шунингдек уй-жойлар ва социал маданий ҳамда маиший объектларнинг ишга туширилиши кечиктирилаётганлиги муносабати билан капитал қурилишдаги аҳвол ташвиш туғдирмоқда. Бу йил мамлакат халқ хўжалиги учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган 23 объектни фойдаланишга топшириш кераклиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Ана шу объектлардан тўрттаси ҳозирдаёқ ишга туширилди, ўн олтитасида ишлар графикка мувофиқ олиб борилмоқда, учтасида қолоқликка йўл қўйилмоқда. Фарғона азотли ўғитлар заводидаги аммиак ишлаб чиқарувчи қувват, Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис бойитиш фабрикасининг навбатдаги секцияси ва Олмалиқ химия заводидаги сульфат кислота ишлаб чиқариш қуввати ана шундай қолоқ объектлардир.

Шу кунларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишнинг юзасидан 1981 йилга белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини назарда тутиб ишга туширилиадиган қурилишлар устидан контролни ва уларга бериладиган оператив ёрдамни кучайтириш ғоят муҳим вазифадир. Йилнинг қолган ойларида ишга туширилиадиган қурилиш майдонларида яна да қизғин меҳнат маромини таъминлаш, уюшқоқликни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, қўшимча резервларни сафарбар этиш зарур. Ишларни ташкил этиш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришнинг инженерлик жиҳатидан тайёрланишини такомиллаштириш, ходимларнинг маҳоратини ўстириш ана шундай резервлар жумласиндандир. Бригада пудрати меҳнат унумдорлигини оширишнинг, меҳнаткашларни коллективчилик ва юксак даражада онглилик руҳида тарбиялашнинг жуда муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Актив йиғилишида Тошкент, Жиззах, Бухоро, Наманган областлари ҳамда бошқа баъзи областлар, шаҳарлар ва районларда уй-жой қурилиши суръатларининг пастлиги танқид қилинди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш планларини бажарибгина қолмай, балки мунтазам суратда ошириб бажариш, шаҳар ва қишлоқда қурилиш кооперациясини ривожлантириш, уй-жой қурилишининг материал-техника базасини мустаҳкамлаш зарур. Жумладан республика районларида ҳашар усулида ғишт заводлари қурилишини авж олдириб юбориш керак — бу яқин келажакда уй-жой қурилиши учун деворбоп материаллар етказиб беришни кўпайтириш имкониятини яратади.

Уй-жой сифатига алоҳида эътибор берилиши лозим. Уларнинг сифати ҳамон меҳнаткашларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлмоқда. Биронта ҳам уй-жой, биронта ҳам социал-маданий ва маиший муассаса чала ҳолда фойдаланишга қабул қилинмаслиги, бракчиларга нисбатан эса жуда қаттиқ талабчан бўлиш керак.

Ҳозирги пайтда республиканинг ишга туширилиадиган ҳамма қурилишларида энг масъулиятли палла бошланди. Пудрат ташкилотларининг энг яхши кучлари ана шу қурилишларга жамланиши керак.

Ишга туширилиадиган қурилишларнинг партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, штабларга келганда белгиланган барча объектлар муддатидан илгари фойдаланишга топширилиши учун кенг кўламдаги социалистик мусобақани ташкил этишлари керак. Республикадаги ўн беш донгдор қурувчининг таъминлаш қувватларинишни таъминлаш — коммунистларнинг бурчидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу ташаббусни маъқуллади. Ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш учун ўтказилаётган мусобақа пировард натижада қурилишларни муддатидан илгари тугаллаш учун шарт-шароитлар вужудга келтиради, демак, уни омма ўртасида ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Қурилишнинг юксак суръатлари ва сифати учун, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун, қурилиш ишларининг самарадорлигини ўстириш учун кураш — КПСС XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун кураш демакдир. Шу боисдан ҳам республика партия, хўжалик активи йиғилишининг қатнашчилари беш йиллик биринчи йили плани ҳамда социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун ўз коллективлари бутун кучни сарфлашга аҳдлилик билан азму-қарор қилганликларини билдирдилар. Капитал қурилиши ишларини янада такомиллаштириш борасида съезднинг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари бажарилади, қурилиш-монтаж ташкилотлари республикада авж олдириб юборилган қурилиш программасининг бажарилиши учун жавобгар бўлган кишиларнинг ҳаммаси ўз бурчини шараф билан адо этади.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

Саратонизнинг олов селига бардош бериб пахтазорларда жасорат кўрсатиб меҳнат қилаётган деҳқоларимизга офарин! Улар мўл ҳосил тўплаш учун ҳар тун ғўзани асраб-авайлаб парвариш қилмоқдалар. Бундай фидокор деҳқонлар Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда оз дейсизми. Хўжаликнинг ўртоқ Т. Тўхтаев бригадаси миришкорлари 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Суратда: (юқорида) моҳир механизатор Нурсанд Мамбетов, (пастда) ғўзани культивация қилиш пайти.

А. Абалин фотолари.

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ VI СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, сўнгги йилларда областимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган чорвачиликни юксалтириш комплекс программасининг иқтисодий ва ташкилий тадбирлари асосида область партия комитети раҳбарлигида чорвачиликни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Жамоат чорвачилигини ривожлантириш билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этган корхоналар сони кўпаймоқда, бундай хўжаликларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланяпти, уларда меҳнатни ташкил этиш такомиллашмоқда, агрономия, зооветеринария хизмати кўрсатиш яхшиланмоқда, маҳсулот етиштириш кўпаймоқда.

Область маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Бундай хўжаликларга озуқа экиндари экиш учун ер, уруғлик, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа воситалар ажратилмоқда, қорамол сотиб олишга ёрдам берилянти. Ҳозиргача бундай ёрдамчи хўжаликлар сони 224 тага етди.

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Ангрендаги «Резинотехника» заводи ва бошқа қатор корхоналар ёрдамчи хўжаликлар ҳисобига, Калинин ва Ўрта Чирчиқ районлари матлубот жамиятлари, Янгийўл шаҳар умумий овқатланиш трестининг бўрдоқиқа боқиш базалари меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда катта ютуқларга эришдилар.

Чирчиқ шаҳридаги корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида 2,5 минг бошдан ортиқ чўчқа, 300 бош қорамол ва 65 минг парранда боқилмоқда. Бу хўжаликлар 1980 йилда аҳолига 177 тонна гўшт етказиб бердилар, бу йил эса уни 500 тоннагача кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Область матлубот жамияти системасига қарашли бўрдоқичилик базалари 1981 йилнинг беш ойида 3692 тонна гўшт ва 50,5 тонна сут етиштирдилар. Озиқ-овқат чиқиндиларидан фойдаланиш ҳисобига ҳам анчагина миқдорда маҳсулот етиштирилди.

Областда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича қатор амалий тадбирлар кўрилди. Район ижроия комитетлари, халқ депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари, колхозлар ва совхозлар аҳолига бузоқ сотиб олиш ва ем-хашак тайёрлашда ёрдам бермоқдалар, қишлоқдаги ҳар бир хонадонда чорва ва парранда бўлишига эришишга ҳаракат қилмоқдалар.

Чорвани яйловларда боқиш ва хашак ўриб олиш учун аҳолига 6,6 минг гектар ўтлоқ ажратилди, махсус уюрлар ва отарлар ташкил этилди. Ветеринария хизмати кўрсатиш яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва улар томонидан давлатга ортиқча маҳсулотларни сотишлари учун ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга қатор районлар ва шаҳарларда, саноат корхоналари ва ташкилотларда партия ва ҳукуматнинг ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларидан тегишли хулосалар чиқариб олинмади. Айрим корхона бундай хўжаликларнинг ишчилар ва хизматчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашдаги ролига етарли баҳо бермаяптилар, директив органларнинг ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш масаласи бўйича кўрсатмаларини ва қарорларини бажаришда суст кашлиқка йўл қўймоқдалар.

Кўпгина корхонанинг ёрдамчи хўжаликларида қорамол боқиш учун гўшт-сут, пиво пишириш, пахта тозалаш саноати чиқиндиларидан ҳали ҳам лозим даражада оқилона фойдаланилмаяпти, чорва учун озуқа балансини тўлдиришнинг резерви ҳисобланган озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиб олишга етарли эътибор берилмаяпти.

Қатор районларда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ролига тўғри баҳо берилмаяпти. Кўпинча айрим колхозлар ва совхозлар раҳбарлари шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ишларда қатнашишдан бош тортмоқдалар, аҳолига чорвани ем-хашак билан таъминлашда, молларни боқиш учун ўтлоқлар ажратишда ёрдам кўрсатмаяптилар.

Маҳаллий Совет ва қишлоқ хўжалик органлари шахсий моллари бўлган гражданларга тайёрланган ем-хашакни ташиб олиш учун транспорт ажратиш, чорвани подада боқишни ташкил этишда ғамхўрлик қилмаяптилар, аҳолидан ортиқча маҳсулотларни харид қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар.

Шу туфайли колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг мол боқишларида катта қийинчиликлар вужудга келмоқда, бу эса шахсий хўжаликларда моллари кўпайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Ҳозирги вақтда умуман область бўйича 121 минг қишлоқ хонадонидан 32 мингтасида қорамол ва парранда боқилмаяпти. Галаба, Калинин ва Тошкент районларидаги барча хонадонларнинг ярмидан кўпида қорамол йўқ.

Оққўрғон районидаги Дружба, Бекобод районидаги Коммунист ва Маданият, Бўка районидаги Қорақўйли ва бошқа қишлоқ Советлари территорияларида яшовчи аҳоли хонадонларида молларнинг камайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Халқ депутатлари область Совети **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг ёрдамчи хўжаликларини ва гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини КПСС XXVI съезди талаблари асосида янада ривожлантириш область бўлимлари ва бошқармалари, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари, хўжалик органлари, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори асосида колхозчилар, ишчилар, хизматчилар ва бошқа гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини, корхона, ташкилот ва муассасалар ёрдамчи хўжаликларини юритиш шароитларини яхшилаш учун колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг, шунингдек, матлубот кооперацияси ташкилотларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотишни кўпайтиришда гражданлар имкониятларидан тўлароқ фойдаланишдан манфаатдорликларини ошириш бўйича қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур деб белгилансин.

3. КПСС XXVI съезди қарорлари асосида шаҳар ва районлар корхоналари, ташкилот ва муассасаларининг ёрдамчи хўжаликларида ҳамда область гражданларининг шахсий хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш бўйича области ижроия комитети томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар тасдиқлансин.

4. Халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, мева, сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш аграр бирлашмаси зиммасига янги ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш учун ер участкалари ажратиш масалаларини оператив кўриб чиқиш, шунингдек, бу ёрдамчи хўжаликларни бузоқ ва жўжа, навли уруғлик ва кўчатлар билан таъминлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилсин.

5. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, «Сельхозтехника»нинг область ва район бирлашмаларига ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалик машиналари ва бошқа кичик механизация воситаларидан фойдаланишда кўпроқ ёрдам кўрсатиш, аҳолига қарашли механизмлари ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатишни таъминлаш топширилсин.

6. Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси зиммасига ташкилот ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида ва аҳолининг шахсий хўжаликларида боқиладиган молларнинг наслини, зооветеринария хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича қўшимча чоралар кўриш вазифаси юклатилсин. Ҳар бир ветеринария даволаш хонасида сунъий қочиришнинг типовой пунктлари ташкил этилсин, улар зарур асбоб ускуналар ва инвентарлар билан таъминлансин, мутахассислар билан мустаҳкамлансин.

Даволаш профилактика эмлашлари ўз вақтида ўтказилсин, малакали ёрдам кўрсатилсин. Чорваннинг касалланиш ва мажбурий сўйилишига йўл қўйилмасин.

7. Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг жойлардаги тайёрлов ташкилотлари зиммасига 1981 йилнинг январида бўлиб ўтган область қурултойида олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида сут қабул қилиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, уларни зарур инвентарлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, сут тайёрлаш ишини яхшилаш вазифаси юклатилсин.

8. Халқ депутатлари район, шаҳар, қишлоқ ва поселка Советлари ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари аҳоли орасида ташкилотчилик ва тушунтириш ишларини кучайтирсинлар, аҳолининг шахсий хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича қўшимча чоралар кўрсинлар.

Халқ депутатлари область Совети қатъий ишонч билдирадики, область совет ва хўжалик органлари, барча меҳнаткашлар, жамоат чорвачилигини жадал ривожлантириш чораларини кўриш билан бир қаторда корхоналар, ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ва гражданларнинг шахсий хўжаликларини мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, ёрдамчи хўжаликларнинг гўшт, сут ва тухум каби қаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришлаги роли ва салмоғини оширишни таъминлайдилар.

Область ижроия комитетининг раиси
Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари
А. МАНСУРОВ.

Тошкент шаҳри,
1981 йил, 29 июнь.

ЧЕКАНКА БОШЛАНДИ

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизаторлари пахтазорларга дастлабки чеканка агрегатларини олиб чиқдилар. Хўжаликда ғўзани механизмлар ёрдамида тавлаб чеканка қилиш бошланди.

Бу йил совхозда барча майдонлардаги ғўзани агрегатлар билан чеканка қилиш мўлжалланган. Бунинг учун 57 та чеканка механизми ўз вақтида сифатли ремонт қилиниб, тракторларга ўрнатилди. Ғўза баргини чилпиш билан бир йўла қатор оралари юмшатилянти.

Механизаторлар бу муҳим агротехника тадбирини ҳар бир даланинг шароити, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига қараб олиб боряётирлар. Хўжаликда механизмлар ёрдами билан чеканка қилиш икки босқичда ўтказилади. Бу ишни шу ойнинг ўзида тугаллаш кўзда тутилянти.

Э. МАДИЕРОВ.

МАҲОРАТ САБОҒИ

Ленин номли колхозда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзматова бригадаси ҳосил тўплашда юксак суръатларга эришди. Ҳозирдаёқ ҳар бир туп ғўзада тўрттадан кўсак бор. Булар экилларни зўр бериб астойдил парвариш қилиш самаралиридир. Экилар ҳозиргача минерал ўғитлар билан нормасини олиб, икки марта сўғорилди. Деҳқонлар қатор оралариига ишлов бериш муддатини қисқартирдилар. Бу ерда культивация атиги беш кунда, сўғориш ишлари эса саккиз кунда ўтказилади.

Адолат бригадаси йигирим беш ошлангунга қадар ҳар бир туп ғўзада 18 тадан кўсак тўплашга аҳд қилди. Бу эса социалистик мажбуриятда кўзда тутилган мўл ҳосил: гектар бошига 65 центнердан, яъни бултургига қараганда 3 центнер кўп ҳосил олишини таъминлайди. Бундан ташқари бу ерда маккажўхори алмашлаб экиладиган далаларда 100 центнерли дон ҳосили олишни мўлжалламоқдалар.

Адолат Рўзматова мўл ҳосил усталарнинг район кенгашида ўзининг иш тажрибаси тўғрисида гапириб берди. Машғулот унинг бригадаси ўтди. Бу йил гектар бошига 40 центнердан кўпроқ пахта етиштириш мажбуриятини олган райондаги энг яхши деҳқонлардан 156 киши бу ерга келди. Уларнинг кўпчилиги илгари қабул қилинган мажбуриятларни қайта кўриб чиқдилар. Чўбончи, «1-Далварзин» совхозининг бригадири Б. Отақулов 65 центнерлик ҳосил — илгари мўлжалланганидан беш центнер кўп пахта олишга сўз берди. Ойбек номли совхозда келган В. Тўхтабоев эса ўз бригадаси номидан гапириб, 62 центнердан пахта етиштиришини айтди.

Бекобод.
(ЎзТАГ мухбири).

ГУЛ ВА КЎСАК МАРЖОНЛАРИ

Кўм-кўк пахтазорларда жўшқин меҳнат қўқмирон. Механизатор М. Оллоёров культиваторда ғўза қатор ораларига ишлов бермоқда, Сувчилар М. Даубоев ва М. Ҳаётқуловлар эгат ораларида, ғўзаларни чилла сувига қондиришяпти. Улар Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози 2-бўлимининг Т. Ҳасанов бошлиқ бригадасининг фидокор аъзоларидир. Механизатор ва сувчилар, барча пахтакорларнинг ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганликлари туфайли ғўзалардаги гул ва кўсак маржонлари тобора кўпайиб бормоқда.

Бригада коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 51 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 14 центнердан пахта етиштириш учун курашяпти. Улар июль ва августни юксак мажбуриятга яраша мўл ҳосил тўплашда зардоб ойлар деб эълон қилишган. Ҳозир бригаданинг ҳар бир ишчиси пахтазорларда зардобларча меҳнат қилаётир.

Х. МИРСОЛИЕВА.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ВЦСПСга қарашли ташкилотлар, корхона ва муассасалар ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарганликлари ва ишда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Федоров Феликс Афанасьевич — область туризм ва экскурсия Совети раиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Қодиров Холиқ Қодирович — касаба союзлари курортлар бошқармаси республика Советининг «Қибрай» дам олиш уйи бош ошпази.

Седельникова Вера Михайловна — «Саёҳат» туристик меҳмонхонаси ходими.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Аминов Элмар Аминович — республика туризм ва экскурсиялар совети раиси.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Жаҳонгирова Фарида Баҳодировна — касаба союзлари курортлар бошқармаси республика Советига қарашли «Чиновод» санаторийси бўлим мудири.

Плужникова Раиса Григорьевна — касаба союзлари курортлари бошқармаси республика Советига қарашли «Луначарское» санаторийси катта медицина ҳамшираси.

Усмонов Шавкат Музаффарович — республика касаба союзлари Совети бўлим мудири.

Фрумгарц Яков Львович — Тошкент тўқимачилик комбинати Ю. А. Гагарин номидаги Маданият саройи тасвирий санъат ҳалқ студияси рассом-раҳбари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ермилова Любовь Ильинична — республика касаба союзлари совети спорт иншоотлари бошқармаси В. С. Митрофанов номидаги сув спорти саройи администратори.

Жанайдаров Шарпи Беркинбоевич — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг ҳалқ ашула ва рақс ансамбли дирижёри.

Карвасецкая Светлана Вячеславовна — «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти республика советининг болаларўсмирлар спорт мактаби катта тренер-ўқитувчиси.

Кричевская Зоя Ильинична — «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти область Советининг катта тренер-ўқитувчиси.

Хўжаев Борис Оглаевич — область касаба союзлари совети киноҳаваскорлари клуб-лабораторияси мудири.

МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ишков Валентин Иванович — республика туризм ва экскурсиялар совети ремонт-қурилиш бошқармаси дурадгори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1981 йил 4 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Меҳнат ва социал масалалар бўйича СССР Давлат комитети системаси ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Меҳнатни ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда муҳим социал вазифаларни бажариш соҳасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ефина Валентина Владимировна — аҳолини меҳнатга жойлаш бюроси мудири, Ангрен шаҳри.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Умаров Йўлдош — ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети меҳнат бўлими мудири.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Йўлчиев Озод Йўлчиевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлими сектор мудири.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

План органлари ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштиришни такомиллаштириш ҳамда ўнинчи беш йиллик планларини бажариш учун резервларни сафарбар этиш ишида эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Фирсова Галина Павловна — ҳалқ депутатлари Оржоникидзе район Совети ижроия комитети план комиссияси раиси.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Пахманова Фаня Эдвна — ҳалқ депутатлари Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети план комиссияси раиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Каримов Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари.

Кожевников Павел Антонович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғи.

Мирсаидов Шукрулла Раҳматович — ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети план комиссияси раиси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Чиргадзе Игорь Владимирович — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Аронов Семен Рибиевич — Ўзбекистон ССР Госплани бўлим бошлиғи.

Матвеев Анатолий Борисович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири ўринбосари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Муллажонов Исҳоқ Рашидович — Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги меҳнатни илмий ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш республика маркази директори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Кенжабоева Меҳри — Ўзбекистон ССР Госплани кичик бўлими бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1981 йил 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР моддий-техника таъминоти Давлат комитети бирлашмалари, корхона ва ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида

Ҳалқ хўжалигини моддий-техника таъминоти соҳасидаги ва ўнинчи беш йиллик плани топшириқлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажариш учун ресурсларни сафарбар этиш соҳасидаги муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Позилова Санобар Баҳромовна — Янгийўлдаги тара ремонт корхонаси ишчиси.

Тўлимбекова Мавжуда Маҳаржовна — Тошкент «Труд» фабрикаси тўқувчиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурасулов Аҳмад Абдуллаевич — Узглавтара Бош бошқармаси бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Алимуҳамедов Ҳатам Эгамбердиевич — «Ташэлектрокабельснаб» Тошкент корхонаси ишчиси.

Мирзаахмедов Жуманазар «Ташметаллоснаб» металл маҳсулотлари билан таъминлаш Тошкент корхонаси кран-машинисти.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Акбаралиев Рўзибой — «Узглавтоплесстройторг» Тошкент ёқилғи базаси ишчиси.

Ортиқов Олимжон — Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти Давлат комитети автотранспорт корхонаси автомобиль ҳайдовчиси.

Рибаков Валентин Владимирович — Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуазимова Муҳаббат — «Таштара» Тошкент тара-ремонт корхонаси ишчиси.

Восиқов Абдунаби — «Ташлесбумснаб» ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари етказиб бериш Тошкент корхонаси ишчиси.

Попова Анна Андреевна — «Ташинструментснаб» инструментлар етказиб бериш Тошкент корхонаси омборчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1981 йил 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Давлат статистикаси органлари ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Статистика соҳасида ва ўнинчи беш йиллик план топшириқларини бажарилишини таъминлашдаги эришган ютуқлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Халимбетов Алимбет — Тошкент область статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Квон Геннадий Николаевич — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мелиев Сидиқ — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғи.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Габидов Рустам Рашидович — ҳисоблаш техникаси ремонти ва техника хизмати Тошкент тажриба заводи ҳисоблаш машиналари ремонти ва хизмати бўйича электромеханиги

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Сатимов Амин — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси республика ҳисоблаш маркази бўлим мудири.

Сульковская Ольга Игоревна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси бўлим бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Қурилиш банки муассасалари ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ҳалқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун ресурсларни ажратиш соҳасидаги муваффақиятли ишлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ғуломов Аброр Ғуломович — СССР Қурилиш банки Тошкент область конторасининг бошқарувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Миняльная Лидия Бениаминовна — СССР Қурилиш банки Тошкент область конторасининг бошқармаси катта экономисти.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Молия министрлиги ташкилот ва корхоналари ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ҳалқ хўжалигини молиялаштириш, ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини бажаришда ресурсларни ажратиш соҳасидаги эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Масагутова Галия Гимаевна — Давлат страхованиси инспекцияси Ўрта Чирчиқ райони бўйича бош бухгалтери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Жинова Валентина Александровна — Тошкент область касаба союзлари Совети бўлим мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Ахмедов Қўчқор — Ҳалқ депутатлари Тошкент район Совети ижроия комитети молия бўлими катта инспектори.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Беккулбеков Замон Мустафоевич — ҳалқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети молия бўлими мудири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Умаров Турсун-Мурод — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқарувчиси.

Хусниддинов Иброҳим Камолович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири.

Шерембоев Ғани — Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг Тошкент шаҳри бўйича бош контролер-ревизори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Крикоров Артаваз Аванесович — Ўзбекистон ССР Молия министрининг биринчи ўринбосари.

Сквиренко Мария Георгиевна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бошқарма бошлиғи.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Акмалова Ҳамида Фозиловна — Тошкент молия техникуми ўқитувчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 12 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида.

Ҳалқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлаш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришдаги эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Қаюмова Лазокат — Янгийўл озиқ-овқат техникуми директори.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Райкова Иллария Алексеевна — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кафедра мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Азизов Полвон Бобоевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети проректори, доцент.

Муталибов Абдусалим Абдуғаниевич — Тошкент йўл автомобиль институти ректори, профессор.

Пўлатов Салим — Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министри.

Шарифхўжаев Мурод — Тошкент ҳалқ хўжалиги институти ректори, профессор.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бобохонов Абдулла Бобохонович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти кафедра мудири, профессор.

Ливерко Иван Алексеевич — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитетининг секретари.

Мусаев Жўра Азимбоевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети лаборатория мудири, профессор.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонов Ғани — Ф. Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институти ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси.

Афанасьев Константин Иванович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти проректори, доцент.

Қодиров Баҳром Ғофурович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори, доцент.

Куценко Элеонора Николаевна — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети проректори, профессор.

Мирзакаримов Рустам — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти доценти.

Назаров Мавлон Худойберганович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти кафедра мудири, профессор.

Насриддинова Назира Ёрхамовна — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти катта ўқитувчиси.

Неъматов Соиржон Содиқович — Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министри ўринбосари.

Қосимов Минавар Ибрагимович — Ўзбекистон республика касаба союзлари Совети инструктор-ревизори.

Огаркова Марешада Қосимовна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бўлим бошлиғи.

Ражабов Обид Маҳкамович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим инструктори.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Багаева Светлана Матвеевна — Ўзбекистон ССР Давлат страхованиси бош бошқармаси бўлим бошлиғи.

Болтабоев Ёқуб — Давлат страхованиси Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси катта инспектори.

Серенков Дмитрий Васильевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармаси катта референти.

Тиллаева Манзура Тиллахўжаевна — Ўзбекистон ССР Молия министрлиги бўлим бошлиғи.

Шоюсупова Голиба — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети факультет декани, доцент.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдусаломов Умар — Тошкент юридик техникуми директори.

Акбаров Шуҳрат Тоирович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти ЛКСМ комитети секретари.

Багдасаров Альберт Михайлович — Тошкент йўл-автомобиль институти проректори, профессор.

Каримов Ғулом Каримович — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети кафедра мудири, профессор.

Мақсудова Ҳаёт Саид-Асроровна — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти ўқитувчиси.

Потехин Александр Николаевич — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўқув бўлими бошлиғи.

Сазонова Елена Григорьевна — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти доценти.

Шабанова Наталья Николаевна — Тошкент ҳалқ хўжалиги институти доценти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Раимжон Ҳакимович — Тошкент ҳалқ хўжалиги институти катта ўқитувчиси.

Баландин Виктор Алексеевич — Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги катта инспектори.

Ғаниҳонов Шарофиддин Фасхидлинович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти кафедра мудири, доцент.

Жданов Николай Иванович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти ассистенти.

Мўминов Алишер Ғаффорович — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўқитувчиси.

Семигулова Дина Саховиддиновна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири, доцент.

Сергеев Александр Михайлович — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўқитувчиси.

Турсунов Абдураззоқ Шерматович — Тошкент совет савдоси техникуми бўлим мудири.

Тўхтасинов Абдумалик Абдурахмонович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти ассистенти.

Убайдуллаев Омон Каримжонович — А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти Навоий филиали факультет декани, доцент.

Федоров Бениамин Александрович — Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллари Давлат педагогика институти кафедра мудири, доцент.

Йўлдошева Гулсара Жалиловна — Тошкент йўл автомобиль институти кафедра мудири, доцент.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1981 йил, 17 июнь.

Дунё овози

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА ВА МАЪҚУЛЛАНМОҚДА

КОБУЛ, 14 июль. (ТАСС). Мамлакат меҳнаткашлари, Афғонистон жамияти кенг табақаларининг намояндалари Афғонистонда ташкил этилган миллий ватан фронтини қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар. Кобулдан олинаётган хабарларга қараганда, шу кунларда АДРнинг турли вилоят марказларида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар вакиллари, руҳонийлар ,савдо-саноат доиралари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг оммавий митинг ва йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Баглон вилоятининг Пули Хумри уездида бўлиб ўтган митингда Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Ясин Садиги бу фронтнинг ташкил этилиши қадимий Афғонистон тарихида муҳим воқеадир, деб айтди. Фронт Апрель революцияси манфаатлари йўлида, Афғонистоннинг империализм, гегемонизм ва реакция кирдикорларига қарши ўз мустақиллигини, миллий суверенитети ва территориал бутунлигини таъминлаш учун кураш йўлида мамлакатнинг барча миллий ҳамда ватанпарвар кучларини бирлаштирди.

Мусулмон меҳнаткашларни ўз сафларига бирлаштирган фронтнинг тузилишини Афғонистоннинг ватанпарвар руҳонийлари қўллаб-қувватлайдилар. Фарёб вилоятининг Андҳой уезди марказида бўлиб ўтган меҳнаткашлар йиғилишида руҳонийларнинг вакили Пайғамбар Гул бундай деди: ватан фронтининг принциплари АДР ҳукумати диннни ҳурмат қилишини кўрсатади. Ўзининг душманлик ҳаракатини ислом дини билан ниқоблашга уринаётган империализм ва реакция малайларининг ёш республикага қарши кирдикорларини у кескин қоралади.

СЕПАРАТЧИЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

Пекинпараст сепаратчилар шарқи-шимолий Ҳиндистонда яна бандитларча ҳуруж қилдилар. ЮНИ информация агентлигининг хабар беришича, «Халқ озодлик армияси» деб аталган бир группа террорчилар Манипур штатидаги Бишнунаха районида армиянинг юк автомобиллари колоннасига ҳужум қилдилар. Натижада икки ҳарбий хизматчи ўлди, яradорлар бор. Бундан ташқари сепаратчилар Импхал билан Ярипок ўртасидаги муҳим стратегик йўлда кўприкни портлатдилар.

Экстремистларнинг ҳаракати кучайганлиги қўшни иттифоқ Мизорам территориясида вазиятни кескинлаштирди. Мизо миллий фронтидан бўлган бандитлар маҳаллий аҳолини доим таҳлика остида қолдирмоқдалар. Буларнинг кўпи Хитой территориясида махсус лагерларда таълим олган.

Ҳиндистоннинг хавфсизлик кучлари шарқи-шимолда сепаратчилар ҳаракатини тугатиш чораларини кўрмоқда. Улар бундан бирнеча кун илгари Манипур штатининг Текчам қишлоғи ёнида террорчиларнинг катта тўдасини тор-мор этдилар, Пекиннинг ёрдами билан ташкил этилган «Халқ озодлик армияси» бошлиғи ўзининг қонли жиноятлари билан машҳур Бисесвар Сингх асир олинди. Шу муносабат билан Нью уэйв» ҳафтномаси Н, Бисесвар Сингх Нагаленд, Ассам, Мегхалайя штатларидаги маочи сепаратист гуруҳларнинг раҳбарлари билан мустаҳкам алоқада эканлигини уқтириб ўтади.

Мамлакат жамоатчилиги Хитойдан кўплаб ёрдам олаётган ва шимоли-шарқий районларни Ҳиндистондан ажратиб олиш учун курашаётган сепаратчиларнинг ҳаракати сезиларли даражада кучайётганлигини ташвишланиб қайд қилмоқдалар.

ҚАТТИҚ ҚОРАЛАНДИ

БАЙРУТ, 14 июль. (ТАСС). Байрутда чиқадиган «Ан-нидо» газетаси Африкада ва араблар дунёсида жандармчилик ролини олган Садат режимини кескин қоралайди.

Қоҳиранинг Ливия жамоҳириясига қарши таҳдидлари ва ҳарбий тайёргарликлари, Чаддаги бузғунчи реакционерларни қўллаб-қувватлаши Миср маъмурларининг шу йўлдаги кейинги қилмишларидир, деб уқтиради газета. Миср президентининг мана шу ва шунга ўхшаш қадамлари, дейилади сўнгра, унга режим Исроил билан тузган тасдиқчилик битимларини амалга оширишдан Миср халқининг эътиборини чалғитиш, араблар сафларининг бирлигига ҳамда уларнинг Исроил агрессияси ва Америка империализмига қарши олиб бораётган курашига путур етказиш учун керак бўлиб қолди.

Газета қайд этадики, Садат мана шу фалокатли йўлга ўтиб, мамлакатни Американинг ҳарбий базасига айлантирди, ҳар хил сотқин ва ёлланган агентларни тайёрлаш учун Миснинг эшикларини очиб қўйди, шундай қилиб у Мисрни тараққийпарвар Африка ва араб мамлакатларига қарши террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун плацдармга айлантирди.

УРУШ ХАВФИГА ҚАРШИ

ТОКИО, 14 июль. (ТАСС). «Акахата» газетаси бугун қуйидагиларни хабар қилади: Кофу шаҳрида урушга қарши ўтказилган симпозиум қатнашчилари Япония — Америка хавфсизлик шартномаси бекор қилиниши учун оммавий ҳаракатни авж олдиришга, Китафудзидаги ҳарбий полигон тугатилишига эришишга азму қарор берганликларини изҳор қилдилар. Жамоат, касаба союз, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг, Китафудзи атрофидаги шаҳарлар ва қишлоқларнинг вакиллари ўз нуқталарида ҳарбийларнинг фаолияти маҳаллий аҳолига бевосита хавф солаётганлигини қайд этиб ўтдилар.

РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ДАККА, 14 июль. (ТАСС). Бу ёрда 1981—82 молия йилига мўлжалланган планда Бангладешнинг соҳил бўйи районларини янада ривожлантириш вазифалари белгиланган. Бу план Читтагонг, Ноахали, Барисала ва Патуаҳали районларини қамраб олади. Ана шу районларни муссон ёмғирлари даврида дениззинг ёйилиши ва дарёларнинг тошиши натижасида сув босиб туради. Планда Бенгалия кўрфази соҳилида кўприклар ва йўллар, дамбалар, тўғонлар, бошқа иқота иншоотлари барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ана шу мақсадлар учун 22,5 миллион така маблағ ажратилмоқда.

ГФР, Гамбург шаҳрида тинчлик ва қуролсизланиш тарафдорларининг оммавий намойиши бўлиб ўтди. (Суратда). Ўн минглаб кишилар шаҳар кўчаларига чиқиб, қуролланиш пойгасига қарши, ўрта масофага учадиган янги Америка ядро ракеталарининг ГФРда жойлаш тирилишига қарши ўз норозиликларини изҳор қилмоқдалар.

(ТАСС фотохроникаси).

БУТУН СИНФ—СОВХОЗГА

ЁШЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЖОНАЖОН Коммунистик партиямизнинг тарихий XXVI съезди мамлакатимизни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада ривожлантиришнинг ойдин йўлларини белгилаб берди. Партия ишига, Ленин ишига содиқ бўлган совет кишилари халқ хўжалигининг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, коммунистик жамият қуриш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Оҳангарон районидаги Файзулла Хўжаев номли 11-ўрта мактаб битирувчилари бундан ўн йил муқаддам қўлларида гулдаста, қалбларида олам-олам қувонч билан биринчи синф бўсағасига қадам қўйган эдилар. Кенг ва ёруғ дарсхоналарда ўтган, доҳиймиз Ленин ҳаёти ва фаолиятига бағишланган сермазмун машғулотлар, азиз мураббийларнинг юрак сўзлари ёшлар дилида туғилган эзгу орзуларга қанот бахшида этди. Бахтиёр болалик Улуғ Октябрь революцияси туфайли, Ленин туфайли. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг халқ маорифини ривожлантириш соҳасида оталарча ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли қўлга киритилганлигини эндиликда талабалар яхши биладилар.

Ёш йигит ва қизлар мустақил ҳаётга йўлланма олаётган айни ҳозирги онларда барча қулайликлар учун партия ва ҳукуматимизга катта рахматлар айтиб, ўзларининг чексиз мамнунилигини изҳор қилмоқдалар.

Мактаб қучоғида ўтган ўн йил ёшларга кўп нарсаларни — ҳалол меҳнат қилишни, илм чўққиларини сабот билан эгаллашни, социалистик Ватанга садоқатли бўлишни ўргатди. Ўқиш билан баробар ўқувчилар мактаб қучоғида дастлабки меҳнат кўникмаларини ҳосил қилдилар.

Ота-оналар, ака-опалар изидан борган ўқувчилар ўтган йили ишлаб чиқариш бригадасини ташкил қилдилар. Беш гектар ерга эртаги карам, беш гектар ерга помидор эккан ўнинчи синф талабалари ҳар иккала экин тури бўйича йиллик планни 127 процент қилиб адо этишга муваффақ бўлдилар. Экинларни парвариш қилиш чоғида улар ўзларидан катта соҳибкорлардан деҳқончилик сирларини қунт билан ўргандилар.

Етуклик аттестатини қўлга олишга шайланаётган ўқувчилар ўз олдиларига энди нима қилиш керак деган саволни қўйдилар. Ватанга кўпроқ наф келтириш ништиёқида бўлган битирувчилар ўз саволларига ижобий жавоб топдилар: улар бундан кейинги ҳаётларини жонажон қишлоқлари, жонажон совхозлари билан боғлашга қатъий ахд қилдилар. Ш. Абдурахмонов, Н. Абдурахмонова, Х. Бийтўраева, Ғ. Маматова, А. Рустамов, Ў. Мирзақулов, Ф. Содиқова, Г. Холиқова, Х. Ўрозова, М. Зулфиқорова, К. Эркабоева, М. Исманди ёрова, Ғ. Ўринбоева, Д. Ғойипов синғари ўқувчилар бутун синф бўлиб «Оҳангарон» совхозида қолишга қарор қилдилар. Улар эндиликда сут соғувчилик, механизаторлик, сабзавотчилик, маккажўхорикорлик касбларини қунт билан эгаллайдилар, ўқишни эса сиртдан ёки кечки бўлимларда давом эттирадилар.

Зотан районда ном чиқарган кишилар — К. Е. Ворошилов номли колхозининг машҳур маккажўхорикори, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, 35-ўрта мактабнинг собиқ ўқувчиси Холида Абдурахимова, В. В. Куйбишев номли совхоз сут соғувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, бир вақтлар 8-ўрта мактабда таҳсил кўрган Хурсанд Обиловалар ҳам табаррук заминга меҳр қўйиб, деҳқончилик касбини танлаб кам бўлмадилар, ўз бахтларини ҳалол меҳнатдан топдилар. Бугунги кунда совхозда қолишга ахд қилган Ф. Хўжаев номли ўрта мактаб ўқувчилари ана шу машҳур кишиларга ҳавас билан қарамоқдалар, уларнинг изидан боришга интилмоқдалар.

Яқинда мактабда битирувчи ўқувчилар слёти бўлиб ўтди. Слётда мактаб битирувчиларининг райондаги барча тенгдошларига Мурожаати қабул қилинди. Мазкур Мурожаатда жумладан шундай дейилади: «Тенгдош дўстлар, биз сизларга мурожаат қиламиз: ўн йил таълим-тарбия берган қалби куёш устозларимизнинг маслаҳатларига амал қилиб, мустақил ҳаётга қадам қўяр эканмиз, биз сизларни ҳам изимиздан боришга, ишчи-деҳқон — отаоналаримизнинг муносиб ўринбосарлари бўлишга даъват этамиз».

О. ХУШНАЗАРОВ,
У. РАҲИМОВ.

Суратда: Ф. Хўжаев номли ўрта мактабнинг битирувчи — ташаббускор ўқувчилари.

Ж. Номозбоев фотоси.

ЭЛЕКТР ПЎЛАТ КЕТИДАН ПРОКАТ

БЕКОБОД. (ЎзТАГ мухбири О. Панова). Бу ерда янги прокат станнинг бош корпуси қурила бошлади. Ўтган беш йилликда ишга туширилган печлардан чиқувчи электр пўлат шу ерга келтириб турилади.

«300» прокат стани саҳни 100 минг квадрат метр ва баландлиги 23 метрга борадиган корпусда жойлашади. «Бекабадметаллургстрой» бригадалари бинонинг темир-бетон устунларини қўя бошлади. Том блокларини йиғадиган конвейер ҳам ишга туширилди. Бу орада бино ичида иситувчи печлар ва бошқа технологик установкалар жойлаштириладиган котлован тайёрланмоқда. Бош корпус билан бирга маъмурий-маиший бино ҳам қурилмоқда.

Бу стан хилма-хил металл прокат ишлаб чиқарадиган катта заводнинг ўзи бўлади. Унинг йилига 600 минг тонна қуввати биринчи навбати 1983 йилда ишга тушиши керак, беш йиллик охирига борганда иккинчи навбати ишга тушади. Ўшанда Бекобод ҳар йили ҳар хил профилда 1,2 миллион тонна чамаси прокат ишлаб чиқаради. Икки қават автоматлашган линия электрон ҳисоб машиналарининг ёрдами билан бошқариб борилади. Бу нарса маҳсулот сифатини оширишгина қолмай, ишлаб чиқаришга юксак суръат ҳам бағишлайди: металл валкалар орасидан секундига 20 метр — ҳозиргидан 3 баравар тез ўтиб туради.

ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ТАРАДДУДИ

Пахта далаларимизда ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилининг мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирилмоқда. Тайёрловчиларимиз бу қимматбаҳо ҳомашёни қабул қилиб олишга қизғин тараддуд кўраётирлар. Пунктимизда 32 та бунт майдончаси қайтадан асфальтланиб чиқилди. 10 та пахта юклайдиган транспортёр ҳамда 10 та тележка ишга тахт.

Янги қуритиш-тозалаш цехи, лаборатория, тош-тарози хўжалигини мавсумга тайёрлаш ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда. Ўтган йили тайёрловчиларимиз Ҳамза номли, Фрунзе номли ва «Партия XIX съезди» колхозларидан 12 минг тонна пахта қабул қилиб олган эдилар. Бу йил «Партия XIX съезди» колхози территориясида янги пахта тайёрлаш пункти қурилди. Шундай бўлсада, биз хўжаликлардан 10,2 минг тонна «оқ олтин» қабул қилиб олишни режалаштирмиз. Пахта карвонларини шайланиб кутиб олиш учун барча чораларни кўрамиз.

Ф. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли тайёрлаш пунктининг мудири.

МИЛЛИОНЕРЛАР

ЎЗБЕКИСТОН химия машинасозлиги заводи ўз маҳсулотини Совет Иттифоқининг 500 дан ортиқ шаҳрига ва 24 чет эл мамлакатига юбормоқда. Машиналар ва аппаратларнинг 20 тури давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Корхона маҳсулоти шуҳратининг ошишида завод қозон пайвандлаш цехининг коммунист, иккинчи ва учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Степан Васильевич Киося раҳбарлигидаги бригадаларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу бригада аъзолари областимиздаги бир группа ишлаб чиқариш ишчилари билан бирга йиллик планни Улуғ Октябрнинг 64 йиллигигача бажариш ташаббуси билан чиқдилар.

КОЛЛЕКТИВ аъзолари ана шундай юксак марраларни белгилаш учун ички резерв ва имкониятларини ҳисобга олишди. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берадиган ғояларни қидириб топиш учун қатъий қураш олиб бормоқдалар. Ана шу изланишлар самараси яхши бўлмоқда. Зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ёрдам берияпти.

Бригадада меҳнатни ташкил этишга алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир иш жойи тўғри ташкил этилган, ишчиларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилиши учун қулай шароитлар вужудга келтирилган. Ишлаб чиқариш қуроллари доим саранжом-саришта, белгиланган жойда туради. Зарур бўлганда уларни қидириб топиш учун ортиқча вақт кетмайди, овора бўлинмайди. Бригина ана шунинг ҳисобига ҳар сменада минутлар тежаб қолиниб, улар соатларни ташкил этади. Бу эса асосий технология операцияларини белгиланганидан кўпроқ бажариш имконини беради.

Меҳнатни ташкил этишни яхшилаш борасида коллективга инженер-техник ходимлар яқиндан ёрдам беришяпти. Заводдаги меҳнатни илмий уюштириш лабораторияси ҳар соҳада уларга кўмакдош. Лаборатория ходимлари операцияларни тез ва соз бажариш учун зарур бўлган қўшимча мосламаларни яратиш йўлларини кўрсатадилар. Ўзларининг қимматли таклифларини аямайдилар. Уларнинг ёрдами билан қатор янги мосламалар, иш қуроллари яратилди, жовонлар, тумбочкалар иш жойларида пайдо бўлди.

Коллектив ўз изланишларида корхона инженерлик хизматлари ишларига ҳам кенг суянади. Улар Б. Давидюк раҳбарлигидаги конструкторлар бригадаси билан ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома тузишган. Конструкторлар ишчиларга ҳар томонлама ёрдам беришади. Уларга белгиланган юксак меҳнат марраларини эгаллашлари учун зарур бўлган илмий-техник воситалар билан кўмаклашишади. Шундай қилиб, ишчилар тажрибаси билан инженерлик билимлари ягона мақсадга йўналтирилади. Бу технологик жараённинг барча босқичларида меҳнат сифатининг ортишига олиб келмоқда.

Машинасозлар инженерлар ва конструкторлар билан ҳамкорликда ратиб, қўлланаётган мосламалар технология режимидан оғишларни кескин камайтирди. Ҳозирги вақтда барча иш жойлари йиғув-монтаж плиталари билан жиҳозланган. Махсус синов стенди ҳам улар хизматида. Қувурларга ишлов беришда фойдаланилаётган ярим автомат станок катта самара бермоқда.

Ташаббускор бригада аъзолари корхонада қатор ватанпарварлик ҳаракатларининг бошланиши ва ёйилишига бош-қош бўлди. Қозончилар заводда биринчи бўлиб «Сифат бешйиллигига ишчи кафолоти» шиори билан бошланган ҳаракатга қўшилдилар. «Аъло сифат бригадаси» номини олиш учун мусобақа ҳам худди шу коллектив туфайли бошланди. Қозончилар ана шу номни олишга муяссар бўлиш йўлида қатор тадбирларни кўрмоқдалар.

ТАШАББУСКОР ҲУЗУРИДА

Бригада аъзолари ишнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун технология жараёнида ўзларидан олдинги операцияни бажарувчи ишчиларга нисбатан талабчанликни кучайтирдилар. Улардан механик ишлов беришни яхшилашни қатъий талаб қилишяпти. Ўзлари эса барча узеллар ва деталларни пайвандлаш учун кўнгилдагидек тайёрлаш йўлида тиним билмяпти. Бригадада операциялар бўйича назорат йўлга қўйилган. Ҳар бир операция бажарилгач унинг сифати албатта текшириб кўрилади. Камчиликка йўл қўйилган бўлса, у дарҳол бартараф этилади. Бригадир ўзининг шахсий тамғасига эга. Бу унга билдирилган катта ишончдир.

Степан Васильевич бригадаси ютуқларга фақат техник такомиллаштириш асосида эришяпти деб изоҳлаш тўғри бўлмаса керак. Коллективнинг ажойиб меҳнат анъаналари ҳам борки, улар иш кўрсаткичларининг яхшиланишида салмоқли роль ўйнамоқда. Бригадада меҳнат ва технология интизомини бузиш, ишлаб чиқариш травматизмига йўл қўйиш каби ҳоллар тўла бартараф этилган. Коллективнинг В. Ус, Э. Мирмаҳмудов, С. Орипов, Я. Аксельрод каби моҳир ва тажрибали аъзолари бутун машинасозларнинг ҳурмат-эътиборини қозонишган. Ёш ишчилар В. Арбузов, С. Алексеев, Г. Файзуллиндар ҳам меҳнатда устозларидан қолишмаяпти.

Бригадада мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Ишга янги келган ёшлар ҳар томонлама ғамхўрлик билан қўршаб олинади. Улар тажрибали ишчиларга бириктириб қўйилади. Мураббий ўз шогирдининг танлаган касбини тез ва пухта эгаллаш учун бутун маҳорати ва тажрибасини аямайди. Шунинг учун ҳам ёш ишчилар қисқа муддатларда ҳунарни эгаллаб, мустақил ишлашга ўтаяптилар.

— Биз аввало ёш ишчиларни қозончилик касби сир-асрорларидан боҳабар қиламиз, — дейди С. Киося. — Сўнгра тобора мураккаброқ топшириқлар берамиз, аппаратларни йиғиш каби новик ишни ўрганишларига кўмаклашамиз. Кўпинча у ёки бу технологик жараённинг бажарилишини муҳокама қиламиз. Бунда ишлаб чиқариш илғорлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Бу ёшларга танлаган ихтисосни пухта эгаллашда қўл келаяпти.

Қозончилар цехида бригада аъзоларини миллионерлар деб аташади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, С. Киося раҳбарлигидаги бу бригада коллективи ўнинчи беш йиллик давомида 21 миллион сўмлик химия асбоб-ускуналари, шу жумладан 600 минг сўмлик қўшимча агрегатлар тайёрлади. Бу, албатта, фақат қозончиларнинг фидокорона меҳнати натижаси бўлибгина қолмай, улардан олдинги ва кейинги операцияларни бажарувчиларнинг ҳам меҳнати маҳсулидир.

Бригада аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини 1981 йилнинг 7 ноябригача, беш йилликни эса уч йилу ўн ойда бажариш юзасидан зиммага олган мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Ҳар сменада қўшимча мингларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишяпти. Ҳеч шубҳа йўқки, аҳил, инок ва интернационал коллектив меҳнат ғалабалари салмоғи бунлан бўён ҳам мутаносиб ортиб бораверади.

О. ЛЕВАК,
Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг ходими.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДА

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

1971 йилдан бери Оққўрғон тикув-галантерея фабрикасининг Солдатскоедаги филиалида меҳнат қиламан. Лекин, бугунга келиб кишининг бахти ҳам, бугуни ҳам, эртаси ҳам ўз меҳнати билан яратилишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим...

Дастлаб фабрикага келганимда тажрибасиз ишчи эдим. Тез кунда шогирдликдан мустақил ишлашга ўтдим. Беш йил шу касбда ишладим. Асло сураётгин бўшаштирмай, янада унумлироқ ишлашга ҳаракат қилдим. Коллектив ишончини қозонганим учун бўлса керак мастер қилиб тайинлашди. Бу эса мени янада самарали меҳнат қилишга илҳомлантирди.

Ҳозир цех бошлиғиман. Мен бошқараётган коллектив ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришяпти. Май ойи якунларига кўра цехда 500 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотландим.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, дейди халқимиз. Жуда тўғри нақл. Буни мен ўз ҳаёт тажрибамда синаб кўрдим.

М. ЗИЁДУЛЛАЕВА,
цех бошлиғи.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Оққўрғон районидаги «Октябрь» қишлоғининг катта-ю кичиги Василий Старцевни яхши танийди. Собиқ жангчи, дилкаш суҳбатдош, моҳир радиотехник айни пайтда ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан эл олқишига сазовор бўлиб келяпти. Ветеран ишчи алоқачилик касбини эгаллаганига 36 йилдан ошди. Шунинг учун ҳам ёш техниклар ветерандан амалий кўникма олишга ошиқадилар. Старцев эса ўзининг бой тажрибасини уларга бажонидил ўргатади.

Ҳаким Эргашев, Абдужаббор Абдурахмонов, Эркабой Сулаймонов синғари Октябрь қишлоғи АТСининг илғор ишчилари ҳам Василий Филипповичнинг шогирдлари ҳисобланишади. Айни пайтда улар «СССР-да хизмат кўрсатган алоқачи» В. Старцевнинг ўгитларини амалда қўллаб, устоз ишончини оқлаб келишяпти.

М. КАНЗАФАРОВ.
Оққўрғон.

● «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»га қарашли «Промстройматериали» трести темирйўл ва автомобилда юк ташиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг Владимир Охунов бошлиқ бригадаси автомобилчилари йил бошида зиммаларига юксак социалистик мажбурият олган эдилар. Аҳил бригада юк ташиш йиллик планини СССР Конституцияси кунигача бажариш маррасини белгилади. Сўзи билан иши бир тажрибали ҳайдовчилар тўрт ойдаёқ ярим йиллик планни бажариб, айни пайтда ҳам графикдан ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Суратда: бригада аъзолари навбатдаги рейс олдидан суҳбатлашишяпти.

В. Баскаков фотоси.

●

ГЕРМАН МУРЗИНДАН ЎРНАК ОЛИБ

Чирчиқ трансформатор заводининг токари, «ўн беш йиллар ташаббусининг» ташаббускорларидан бири Герман Алексеевич Мурзин юксак социалистик мажбуриятни бажаришда дастлабки қадам қўйди. У ярим йил ичида шахсий бир йиллик планни бажарди. Шундай қилиб, меҳнат унумдорлигини икки баравар оширишга эришилди ва коммунист Мурзин йил бошида ваъда берганидек, энди ана шу суръатни сақлаган ҳолда, икки беш йилликни бир беш йилликда бажариш тўғрисида берган ваъдаси устидан чиқа олади.

Герман Алексеевич бир вақтнинг ўзида иккита «дип» токарлик станогида ишламоқда. Бу станокларнинг ҳар бири муайян деталлар туркумини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Токарь станокларидан бирида трансформатор учун қатқалар, қалпоқлар, дисклар, иккинчи станокда эса ёғ бакининг тубини, катта диаметрдаги халқалар, қопқоқлар тайёрлайди. Бу билан у станокларни қайта созлаш эҳтиёжидан қутилиб, анча вақтни тежайди. Иккинчи томондан металлар қирқиш режимининг тўғри танланганлиги ҳам вақтни иқтисод қилишга ёрдам беради, учинчидан эса у юксак маҳорат эгаси: Г. Мурзин яқинда махсус малака ошириш курсини битирди. Бунгача эса у ўн йилдан кўпроқ вақт ичида маҳсулотни шахсий тамға билан, биринчи тақдим этишдаёқ топширар эди.

БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИСИ

Машҳур токарнинг издошлари — Наримон Абдуллаев, Николай Ткаченко, Реуд Бейтуллаев ва трансформатор заводининг бошқа ишчилари муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳам ўз йиллик топшириқларини бажариб бўлдилар. Чирчиқ заводлари, фабрикалари, қурилишларида жами 43 кишн Г. Мурзин ташаббусини қўллаб-қувватлади ва иккита шахсий беш йилликни бир беш йилликда бажариш мажбуриятини қабул қилди.

Чирчиқ,
(ЎзТАГ мухбири).

ИШОНЧНИ ОҚЛАБ

ЭНГ ЯХШИ ПРОПАГАНДИСТЛАРИМИЗ

БАҲОДИР «Ленинизм» колхозига пропагандист қилиб тайинланган, ўқув йилининг дастлабки машғулотига жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Ён дафтарида адабиётлардан олинган дастлабки цитаталар, керакли китобларнинг номлари пайдо бўлди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Э. Йўлдошев билан бўлган суҳбат қулоғида ҳамон жаранглайди.

— Сиз, ёш коммунистга, — деди у,— тарғиботчиликдек муҳим ишни ишониб топширяпмиз. Пропагандист тингловчининг қалбига йўл топа билсагина кўзлаган мақсадига эришади. Айниқса, биринчи машғулотга яхши тайёрланинг: у кейинги машғулотлар «тақдири»ни ҳал этиши мумкин.

Ниҳоят, белгиланган кун ҳам етиб келди.

Баҳодир дастлабки машғулотдаёқ тингловчиларнинг касб-корини, билим савиясини билиб олди. Бундан бўён сиёсий ўқув машғулотлари, ҳафтанинг маълум бир кунида, маълум соатда мунтазам равишда ўтишини уларга билдирди. Сиёсий билим мутасил ўқиш-ўрганиш, зўр иштиёқ бўлгандагина яхши ўзлаштирилишини таъкидлади.

Шу тариқа пропагандист тингловчиларни қизиқтира олди, уларнинг ишончини оқлади. Тинимсиз изланишлар ўз самарасини кўрсатди.

— Мен,— дейди Баҳодир Абдуллаев,— олти йилдан бўён «Ленинизм» колхозн марксизм-ленинизм асослари мактабида пропагандистлик қиляпман. Ўтган вақт ичида бирон сабаб билан машғулот ўтмай қолганини эслай олмайман. Давоматда ҳам, программани ўзлаштиришда ҳам натижа яхши бўляпти. Бунинг сабабларидан бири, ҳар бир тингловчи аниқ топшириққа - эга бўлганидадир. Ўқув йили давомида уларнинг рефератлари бир неча марта муҳокамага қўйилиб, баҳоланди.

Фридрих Энгельс номли мактабнинг тарих ва жамиятшунослик фани ўқитувчиси Б. Абдуллаевни «Ленинизм» колхозида «пропагандист йигит» дейишади. Камтарга камол, дегандардек, у ўзига талабчанлиги, билимдонлиги, ширинсуханлиги туфайли эл-юрт ҳурматига сазовор бўляпти.

— КПСС XXVI съезди материалларини пропаганда қилиш, уларни ҳар бир тингловчи онгига етказишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ ҳозир — дейди у. Бу борада район партия комитети бизга яхши ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган ўқув йилида «КПСС халқаро сиёсати», «Ривожланган социализм даврида КПСС иқтисодий сиёсати» мавзуида бир неча машғулот ўтказдик. Тингловчилардан Ў. Ҳамроев, Т. Азаматов, Ў. Норматов, Р. Сулаймонов, Р. Ҳожибековлар машғулотларда айниқса актив қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездда қилган докладида айтганидек, семинарлар, сиёсий мактаблар, университетларнинг қандай бўлиши: улар кўпинча одамлар зериқиб қоладиган, белгиланган соатларгина «ўтказиладиган» жой бўлиб қоладими, ёки бунинг аксича, ҳамма ёрда жонли партия тафаккури, партия сўзининг ҳақиқий марказлари бўлиб қоладими, бу нарса кўп жиҳатдан пропагандистга боғлиқдир.

Ушбу сатрларни пропагандист Баҳодир Абдуллаев кундалик дафтарига алоҳида қайд қилиб қўйган. Шунга амал қилиб, у ҳар бир машғулотнинг қизиқарли, мароқли ўтишига, бунда партиявий тарғиботнинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланишга, ҳар бир назарий ҳулосани ҳаётнинг ўзидан олинган фактлар билан далиллашга эришмоқда.

Шу боиздан тингловчилар ҳам унинг сўзларини жон қулоғи билан эшитадилар, топшириқларни бажонидил бажариб, сиёсий билимларини оширадилар.

Тарғиботчининг мақсади ҳам шу-да!

Р. ХУДОЙҚУЛОВ,
Бўка район партия комитети сиёсий маориф кабинети методик Совети-нинг аъзоси.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА ФИЛЬМ

ЎЗБЕК киночилари кейинги йилларда совет халқларининг интернационал дўстлигини тараннум этувчи бир қанча фильмларни суратга олдилар. Улар орасида айниқса Улуғ Ватан урушнинг оғир йилларида намоён бўлган чинакам маданият, дўстлик, қардошлик ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар ажралиб туради. «Сен етим эмассан», «Ленинградликлар, жигарбандларим менинг» фильмлари шулар жумласидандир.

«Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари яна шу эзгу мавзуга қўл урдилар. Таниқли кино устаси Ҳожи Аҳмар ўзи ёзган сценарий асосида «Менинг қадрдон москваликларим» бадиий фильмини экрандаштирмоқда. Янги асар урушнинг оғир йилларида ёш йигитлар характерларининг шаклланиши, уларнинг маънавий жиҳатдан камол топишлари тўғрисидадир.

«ҒУНЧА» — КИЧКИНТОЙЛАРГА

КИЧКИНТОЙ ўғил-қизларнинг ўзлари сингари ширин кийим-кечак кийиб юришларини қайси ота-она хоҳламайди, дейсиз.

Янгийўлдаги «Ғунча» маиший хизмат кўрсатиш уйида кичкинтойлар учун, бош кийимдан тортиб, мактаб ёшидаги ўғил-қизларга мўлжалланган спорт формаларигача тикиб берилади. Ателье да янги кийим-кечаклани намойиш қилиш учун махсус жой ажратилган.

БАСТАКОР ҲАҚИДА КИТОБ

ТАНИҚЛИ композитор Р. Глиэр ўзбек музика санъатига салмоқли улуш қўшган бастакорлардан ҳисобланади. Унинг ажойиб опера ва балетлари ва бошқа музика асарлари маданиятимизда жуда катта воқеа бўлган.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Ўзбекистон музикачилари ва композиторлари» тўпламида Р. Глиэр ва ўзбек музикаси деб аталган китоб чоп этилди. Унинг автори — санъатшунос С. Векслер истеъдодли композитор босиб ўтган ижодий йўл ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб берган.

М. ЗАРИПОВ.

Ташкент Давлат Медицина институтининг патоанатомия кафедрасида илмий-тадқиқот ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Суратда: кафедранинг олимлар кенгашини профессор М. С. Абдуллахўжаева бошқараётир.

В. Таран фотоси.

ФАРҒОНА ГУЛДАСТАСИ

М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ОБЛАСТИМИЗДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

ТЕАТРИМИЗ коллективи учун янги-янги томошабинлар билан учрашув ўзига хос имтиҳон бўлиб, санъаткорларимиз ҳар бир гастроль томошаларига жиддий тайёргарлик кўрадилар. Айниқса, бу йилги съездлар йилида улар меҳнаткашларга ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ хизмат кўрсатиш, ёшларни коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш, кишларнинг эстетик дунёқарашини шакллантириш борасида жиддий изланиш олиб бормоқдалар. Шу мақсадда Тошкент областида ўтаётган гастролимизга мўлжалланган спектакль ва концерт программаларимиз қайта кўздан кечирилди, актёрлар маҳорати яна бир бор синовдан ўтказилди ва қизиқарли спектакллар танланди. Шундай қилиб, гастролга икки гуруҳга бўлинган ҳолда жами 70 кишидан иборат коллектив сараланди. Бир ой давомида Тошкент области бўйлаб ўтадиган ижодий сафарнинг ҳар жиҳатдан қулай ва самарали режаси ишлаб чиқилди.

Кейинги йилларда театримизга эътибор ҳар жиҳатдан ўсди. Спектакллар савиясини ошириш ва репертуарни янги саҳна асарлари ҳисобига бойитиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йилги санъат даргоҳимизнинг ярим асрлик тўйининг тантанали нишонланиши ҳар биримизнинг ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Биз бу қутлуғ санани ҳар жиҳатдан муваффақиятли ўтказиш учун кўпгина ижодий режаларни амалга оширдик.

Театримизнинг шонли тарихига назар ташласак, унда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Собир Абдулла, Тўхтасин Жалилова, Лутфихоним Саримсокова, Муқаррама Турғунбоева каби ўзбек-совет санъати улуғ сиймоларининг табаррук изларини кўрамиз. Коллективимизнинг етакчи санъаткорлари ана шу устозларнинг маҳорати ва тажрибасидан ўрнак олиб, юксак ижод погоналарига кўтарилдилар. Айниқса, Мамадали Ҳайдаров, Солижон Аҳмедов, Сулаймон Қосимов каби тажрибали режиссёрлар етакчилигида театримиз ўз ижодий йўли ва услубини шакллантириб борди. Ҳамиша спектакларнинг жанр ранг-баранглигига, мавзу доирасининг теранлигига катта аҳамият берилиб келинди.

Театрнинг 1964, 1968 ва 1977 йилларда республикамиз пойтахти Тошкентда ўтган гастроллари даврида намойиш қилинган «Шоирнинг орзуси» (Х. Расул асари, И. Ҳамроев музикаси), «Нурхон» (К. Яшин асари, Т. Жалилова музикаси), «Жон қизлар» (Қ. Шангитбоев асари, Қ. Бойсентов музикаси), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор комедияси), «Ревизор» (Гоголь), «Парвоз» (Уйғун асари) каби спектакллар театримизнинг камолотга етган бир даврини намойиш қилди.

Тошкент областида бошланган гастролларимизни асосан қишлоқ меҳнаткашларига мўлжалладик. Шу мақсадда санъаткорларимиз икки гуруҳга бўлиндилар. Биринчи гуруҳда Ўзбекистон ССР халқ артисти Солижон Аҳмедов, Жамолиддин Охунов, республикада хизмат кўрсатган артист Холмат Икромов, актёрлардан Бозорбой Тожиев, Ғуломқодир Собиров, Кароматхон Аҳмедова, Солижон Юнусов, Ўринбой Ортиқов кабилар иштирок этиб, улар Бекобод, Пискент, Бўка районларида бўладилар. Таниқли ёзувчи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати У. Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» ва туркман драматурги Отажон Тоғамнинг «Муҳаббат ёш танламайди» комедияларини намойиш этадилар.

Санъаткорларимизнинг иккинчи гуруҳи Калинин, Тошкент, Оржоникидзе, Бўстонлиқ, Янгийўл, Паркент районлари ва Ангрен шаҳрида бўладилар. Уларнинг репертуари ҳам хилма-хил бўлиб, «Тоҳир ва Зуҳра», «Ватан ишқи», «Нурхон», «Танбур ноласи» (М. Халил асари) каби спектакллардан парчалар намойиш этадилар. Бу гуруҳда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ёркиной Ҳатамова, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Райимжон Холбеков, область комсомоли мукофотининг лауреати Султонали Маннопов, хушовоз хонандалар Ахмаджон Маҳмудов, Исроилжон Султонов, Қодир Худойназаров, Нигора Шокирова, Ҳабиба Ҳожинабиева, Муроджон Иброҳимов, қизиқчи Олимжон Ҳузуржонов, рақсларда Тўйчибой Парпиев, Светлана Рошчина, Гулнора Мирзаабдуллаева, Муҳаббат Тожибоева кабилар ўз санъатларини кўрсатадилар. Спектакллар концерт номерларига туташиб, дилбар қўшиқлар шўх ва жозибали рақсларга уланиб кетади.

Гастроль давомида пойтахт область санъаткорлари билан ижодий мулоқотлар, колхоз ва совхоз далаларида галлакор, пахтакор, чорвадор ва боғбонлар билан бўладиган учрашувлар театримиз санъаткорларига янги-янги ижодий режаларни амалга оширишга, санъатни чинакам маънода халқ ҳаёти билан яқинлаштиришга ёрдам беради.

Мўмин ИБРОҲИМОВ,
М. Горький номидаги Фарғона область музикали драма ва комедия театрининг директори.

Носир ОТАБОЕВ,
театрнинг бош режиссёри.

Максим Горький номидаги Фарғона область музикали драма ва комедия театри коллективининг области миз қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида қизиқарли спектакллар, сермазмун қўшиқ ва рақслар намойиш этиши санъат шинавандаларида катта қизиқиш уйғотмоқда, уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Суратда: театрнинг бир гуруҳ етакчи санъаткорлари.

А. Абалян фотоси.

КЎНГИЛ АРМОНЛАРИ ЧЕКИНДИ ЙИРОҚ...

ЯХШИ кунларда бир-бирларининг шодлигига шерик, қайғули дамларда ҳамдам ва ҳамдард бўлиш совет кишиларига хос фазилатдир. У фаровон гурмушимизда, кишиларнинг ўзаро дўстона ҳамжиҳатлиги, гўзал мулоқатларида ўзининг ёркин ифодасини топмоқда. Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа бунга яққол мисолдир.

Қишлоғимизда 85 ёшга тўлган бир кекса отахон икки ўғли билан яшайди. Бири ҳунар билим юртида ўқийди, бири совхоз қурилиш бўлимида ишлайди. Ана шу онлада тўй бўлди. Чол тўнғич ўғлини уйлантирди. Катта ўғилнинг бошини иккі қилиб, уни тиндириш қариянинг ягона орзуси эди. Аммо унинг армони ҳам йўқ эмасди. Ахир биргина катта ўғил ишлаб топган сармоя нимага ҳам етарди. Кекса отаси, ёш укаси унга қарам бўлса. Тўйга қандай қилиб маблағ жамғариш мумкин. Шундай бўлсада тўй бошлашга аҳд қилиниб, йигит кўнгил қўйган қизнинг уйига совчи юборилди.

Тўйларимиз қувонч билан бирга анчагина ташвиш келтириши барчага маълум. Бир кишининг маошига қараб қолган оилада эса тўй харажатларининг ҳаммасини қоплаш қанчалар қийин.

Худди шу пайтда одамлар ёрдамга келишди. Авваламбор қўшнилар ўзаро маслаҳатлашиб, тўйни бир жон-бир тан бўлиб, чиройли ўтказишга бел боғлашди. Улардан бири ўз уйида меҳмонларга жой ҳозирлади. Биров меҳмон кутди, биров таом тайёрлашга уннаб кетди, бошқалари дастурхон тузаб, меҳмонларнинг хурматини жойига қўйди. Яна бир ажойиб томони шундаки, қупчилик тўйга қурби етганча тўёна билан келди. Йигит ишлайдиган коллектив ҳам хонадонга моддий ёрдам кўрсатди.

Қўшиқ янграмаган тўй тўйдек ўтмайди. Қўни-қўшниларнинг иноқлиги ва ҳамжиҳатлиги туфайли бу муаммо ҳам осонгина ҳал бўлди. Клуб мудири бўлиб ишлайдиган ён девор қўшнилардан бири ўзи раҳбарлик қилаётган ҳаваскорлар группасини тўйга таклиф қилди. Улар ўз дилрабо куй-қўшиқлари билан бахт кечасига ажойиб файз киритишди.

Режали, маслаҳатли тўй шодиёнаси анча вақт давом этди. Бир қарасангиз, давра қўшиқ-куй авжида, раққоса қизлар хиром айлашади, ҳали қарасангиз, келин-куёв шаънига яхши тилаклар, ширин истаклар ёғилади...

Тўй тугади. Ҳамма ўрнидан туриб, келин-куёвни қизғин олқишлар билан «Ер-ер» садолари остида ўз кошоналари томон кузатиб қўйди. Меҳмонлару мезбонлар—ҳамма-ҳамма шод, хуррам. Айниқса, хонадон соҳиби — кекса отахон ўзини қўярга жой тополмайди. Нур тўла кўзларида одамларга меҳр, чексиз миннатдорчилик акс этар, қўли кўксида уларни дуо қиларди.

Куёв бўлган ўғил ҳам қўшилар ҳимматидан, уларнинг беминнат хизматидан баҳоят мамнун эди. Ахир бундан 3 йил бурун онаси вафот этганда дардкаш бўлган мана шу қўшнилар бугун қувона-қувона унинг тўйини ўтказишди. Волидасининг йўғини билдиришмади, борини юзага чиқаришди. Қувонч кунида унга дилкаш бўлишди. «Яхши қўшни — ота-она» деганлари аслида шу эмасми?!

Одамнинг қадр-қиммати — уларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари билан ўлчанади. Биз юқорида қисқа қилган қўшнилар ҳам ана шундай меҳр-оқибатли кишилардир. Бундай одамлар билан ҳар соний, ҳар куни учрашиб турамиз. Зотан, кекса отахон армонини чекинтирган меҳрибон ўша одамларга минг қарра раҳматлар бўлсин!..

Орзумурод ҲАМРОЕВ,
Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз.

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ОНАЛАР ШАРАФЛАНДИ

ПОЙТАХТДАГИ Тельман номли маданият ва истироҳат боғи байрамлардагидек безатилган. Бахтиёр болаликни ва оналикни мадҳ этувчи шиорлар яққол кўзга ташланиб турибди. Боққа меҳмон бўлиб келган, кўксида қаҳрамонлик нишони порлаб турган оналар нигоҳидан мамнунлик аломатини англаб олиш қийин эмас. Бу ерда оналарни шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Бу тадбирни республика Социал таъминот министрлиги ва область касаба союзлари Совети ташкил этди.

Маданият ва истироҳат боғи ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари В. Балотиннинг оналарни шарафловчи нутқидан сўнг «Ҳар доим бўлсин қуёш» деб номланган қўшиқ янгради. Кеча қатнашчиларига қаҳрамон оналар Розия Жўраева, Валентина Захарова, Шоҳида Ҳикматовалар онлада бола тарбияси ва кўп болали оналарга кўрсатилаётган катта имтиёзлар тўғрисида фахрланиб гапириб бердилар.

—Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш партия ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътиборидадир, — деди кечада сўзга чиққан республика социал таъминот министрининг ўринбосари К. Маҳкамова. — Қаҳрамон оналарни жамоат ишларига жалб қилиш ёки уларнинг уйда ўтириб ишлашларига шароит яратиб бериш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Уларнинг беш йиллик меҳнат стажи билан қариялик пенсиясига чиқариш ҳам ана шу гамхўрликнинг намунасидир.

Саҳнадан оналарни мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар янграйди. Пойтахтдаги М. Горький, Охунбобоев номидаги маданият уйларининг ашула ва рақс ансамблари, Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадиий ҳаваскорлари, «Красная гвоздика» эстрада ансамблининг қатнашчилари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса, Ўзбекистон кўрлар жамияти қошидаги болалар боғчасининг тарбияланувчилари ижро этган «Раҳмат, сенга онажон» қўшиғи кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

А. БОЗОРБОЕВА.

ҲАР ТЎҒРИДА

САҲРО ОСТИДА... КЎЛ

САҲРОИ Кабирнинг Миср даги қисмида ёғингарчилик умуман бўлмайди. Аммо, шу саҳро остида жуда катта чучук кўл борлиги аниқланган. Кўлнинг сатҳи 692 минг квадрат километр бўлиб, у, олимлар тахминича, 75 минг йил бурун пайдо бўлган. Ҳозир саҳрода қазилган юзлаб артезиан қудуқлари ер остидаги ҳаётбахш сувдан фойдаланиш имконини берляпти. 1990 йилга бориб йилга 1590 миллион литр сув олиш мўлжалланяпти.

Бироқ, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти — ФАО мутахассислари ҳисоблашича, эндиликда саҳро остидаги кўл тобора қуриб боряпти. Бу ердаги сув запаслари яна 50 йилга етади, деяётганлар ҳам бор, аммо, баъзи олимлар яна 800 йилдан сўнг сув тугаб қолиши мумкин, деб ҳисоблайдилар.

МИТТИ ТРАКТОР

Спорт майдончаларини қуриш ва уларда хилма-хил меҳнатталаб ишларни бажариш учун махсус машиналар, асбоб-ускуналар лозим, албатта.

Англиядаги «СИСИС экуипмент» фирмаси шу мақсадда атиги ўн тўрт от кучига эга бўлган мўъжаз трактор намунасини ишлаб чиқди. Мазкур машиналиг мосламалари спорт майдончаларини текислаш ва умуман тартибга келтиришда жуда қўл келади.

Шу мосламалардан бири олти метр кенглиқда туроқни юмшатиб, унга бир йўла 445 килограммгача минерал ўғит солиб кетиш имконини беради. Шунингдек, трактор ёрдамида ўтўланларни тартибга келтириш, тиканакларни йўқотиш ҳам мумкин.

МИКРОБСИЗ ГАЗЛАМА

КАСАЛХОНАЛАРДА қўлланиладиган бинт, сочиқ ҳамда чойшаблар доимо тоза бўлиши, уларга микроб қўниб, урчимаслиги зарур.

Янги Орлеан шаҳрида яшовчи бир группа америка кимёгарлари ана шундай газламани тайёрлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Бунда газлама қўрғошин ацетати қўшилган водород перикиси солинган қайноқ сувда эритилади. Натижада газламанинг тўқималари юзасида полимерга ўхшаш сирғалувчан плёнкалар ҳосил бўлади. Плёнкалар жуда мустаҳкам бўлиб, бактерияларни йўлатмайди. Бундай газлама эллик марталаб қайнаган сувда ювилганидан сўнг ҳам аввалгидек йиртилмай сақланиб тураверади.

Газетамизнинг навбатдаги сони 17 июлда чиқади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент метрополитени ва темир йўлда хизмат қиладиган қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:

метрополитен учун: **электр поездлар, электр ускуналарининг ремонти бўйича электрослесарь, станция навбатчилари, эскалаторлар машинисти, тортиш подстанцияларининг электромонтёри, марказлаштирилган блокировка системаларининг электромонтёри, ҳаракатдаги составларни ремонт қилувчи слесарь, слесарь-сантехник;**

темир йўл учун: **тепловоз машинисти** (Совет Армияси сафидан запасга бўшатилган 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшлар қабул қилинади); **тепловоз машинисти ёрдамчиси, электровоз машинисти ёрдамчиси, марказлаштирилган блокировка системаларининг электромонтёри, ҳаракатдаги составларни ремонт қиладиган слесарь, товар-билет ва багаж кассирлари, багаж ва юкларни қабул қилувчи-топширувчи.**

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлагач, ўрта ҳунар-техника маълумоти тўғрисида диплом оладилар ва давлат томонидан кийим-кечак, уч маҳал овқат билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия ва тепловоз машинисти группаларида ўқувчилар 72 сўм стипендия оладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга малакали мутахассисга тўланадиган иш ҳақининг 50 процентигача ҳажмида пул мукофоти берилади.

Ҳамма ўқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг иш билан таъминланадилар ва темирйўлчиларга берилган имтиёзлардан фойдаланадилар, аълочи ўқувчилар эса кириш имтиҳонисиз олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Қуйидаги ҳужжатлар керак: иккита ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар-жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справкалари; 6 та фотосурат (3х4 см, ҳажмда).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 13, 15, 16-троллейбуслар; 18, 54-автобусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон: 53-43-52.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ГДР ДАВЛАТ ЦИРКИ

«Б У Ш—81»

ГАСТРОЛЛАРИ



ПРОГРАММАДА:

«Шардаги филлар», «Ўргатилган ҳайвонлар», «Моҳир мушкетёрлар» аттракционларининг паради; от минган айиқ оригинал номери; ҳар хил жанрдаги номерлар: номик акробатлар, ҳаво гимнастлари, акробат-каскадёрлар, нарвондаги эквилибристлар; «Велосипед минган филча».

Масхарабозлар Пепс, Мико ва Жолли юмор ва кулги улашадилар.

ПРОГРАММАЛАРГА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ ЖУР БЎЛАДИ.

ТОМОШАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар цирк кассасида соат 8.00 дан 20.00 гача ҳамда ЦУМ ва Олой бозорида жойлашган кўчма кассаларда соат 9.00 дан 17.00 гача сотилади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Шанба ва яншанба кунги томошаларга биринчи навбатда қишлоқ районларидан тушган коллективларнинг заявкалари қабул қилинади.

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ТЕЛЕВИЗИЯДА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — А. Н. Толстой. 10.50 — Концерт. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.25 — «Галлакорлар». 16.45 — Рус тили. 17.15 — Концерт. 17.45 — Брастда уруш ветеранларининг Халқаро учрашуви. 18.00 — Бирлликда, ахил оиламиз. 18.30 —Горнчилар, қаердасиз! 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.45 — Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион викторина. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Кўрсатувнинг давоми. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Фильм-концерт. 11.40 — Телевизион бадиий фильм. 12.45 — Мактаб ўқувчилари учун. 13.15— Фильм-спектакль. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Қизиқарли учрашувлар. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Ёзувчи ва даврлар». 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Пахтакор». 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Музикали кўрсатув. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 20.50 — Фильм-портрет.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ҚИЛИЧБОЗЛИК. Франциянинг Клермон-Ферран шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионати мусобақаларида мамлакатимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этишди. Турнирнинг сўнгги кунида шамширчиларимиз командаси бош совринни қўлга киритди. Бу бахсда Швейцария командаси иккинчи, Венгрия командаси учинчи ўринни эгалладилар.

● ВЕЛОСПОРТ. Шосседа ўтказилган СССР чемпионати мусобақаларида Қуролли Кучларнинг биринчи терма командаси адашлардан ташкил топди. Команда составида стартга бир йўла тўрт Сергей исмли спортчи чиқди. Улар Воронин, Кадацкий, Прибил, Шелпаковлардир. Команда аъзолари 100 километрлик масофани 2 соат 0,4 минут 02,11 секунд вақтда босиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб етиб келишди. Бу ғалабада тошкентлик спортчи, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони С. Воронининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

● ФУТБОЛ. Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида иштирок этаётган Жиззахнинг «Бўстон» командаси навбатдаги турда Львовнинг «Карпати» командасига 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ленинградда ўтган СССР — АҚШ енгил атлетикачилари бахси 204:178 ҳисобида совет спортчилари фойдасига ҳал бўлди. Ғолиблар орасида республикамиз вакили З. Зайцева ҳам бор.

● ВОЛЕЙБОЛ. Ростов-Дон шаҳрида «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятлари Марказий Советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Ўрта Осиё темирйўлчилари терма командаси бу мусобақаларда иккинчи ўринни эгаллади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335883, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325845; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02128. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1676. 13